

# Сийрат дарслари (115-дарс). Рўзадорнинг даражаси



13:00 / 18.12.2020 2926

449. Абу Қатода Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан умид қиламанки, Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги йилнинг ва ундан кейинги йилнинг каффороти бўлади. Аллоҳдан умид қиламанки, Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йил (гуноҳлари)нинг каффороти бўлади»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

450. Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «Агар келаси йили тирик бўлсам, албатта, тўққизинчини ҳам тутаман», дедилар». Яъни, Ашуро куни рўзасига (қўшимча).

*Муслим ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам Ашуро куни рўзасини тутдилар ва у куннинг рўзасини тутишга амр қилдилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу кунни яҳудий ва насоролар улуғлашади», дейишди. Шунда Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: **«Келаси йил келса, иншаАллох, тўққизинчи куннинг ҳам рўзасини**

**тутамиз»**, дедилар. Келаси йил бўлмай туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар».

*Муслим ривоят қилган.*

*451. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким доимий рўза тутса, рўза ҳам тутмади, оғзи очиқ ҳам юрмади»**, дедилар».

*Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**